



ИНСОНЛАР ОРАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

*Чирчиқ шаҳар 1- техникуми
Ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси ўқитувчиси Ф.О.Расулова*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзбек халқининг ўзига хос азалий қадриятлари, уларнинг турлари, инсон ҳаётидаги аҳамияти, садоқат, Она Ватан, ва бу тушунчаларнинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни каби тушунчалардан баҳраманд бўламиз.

Калит сўзлар

Қадрият, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, ҳаёт, инсон саломатлиги, билиминсон манфаатлари, эзгулик, она юртга эҳтиром, авлод-аждодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат.

Жамиятда яшаётган инсонлар яшаш тарзи юзасидан бир-бирлари билан ўзаро ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларга киришадилар.

Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Қадрият тушунчаси инсон, жамият ёки миллат ҳаётида муҳим ўрин тутадиган тушунча ҳисобланади. Миллий қадриятлар тушунчаси ҳам кенг қамровли тушунчадир. Қадриятлар муаммоси Платон давридан бошлаб тадқиқотлар объекти сифатида яшаб келмоқда. Унга немис классик фалсафаси томонидан анча аниқликлар киритилди. Немис олими Кант биринчи марта инсонни қадриятларни аниқлаш асосида талқин этди. Инсон иккита оламга мансуб мавжудот сифатида тушунилди: - эркин бўлмаган, ҳали ўз йўлини англаб етмаган, ўз инстинктига эргашиб юрадиган табиат олами. Бу оламда



қадриятлар мавжуд бўлмайди; - эркинлик ва идроклаш олами. У ўзининг тақдирини белгилайди, ва уни ўзи белгилаган ўз идеаллари, мақсадлари асосида қуради. Бу оламда қадриятлар мавжуд, лекин улар очик мужассам бўлмайди, балки мақсад сифатида намоён бўлади. Қадриятларни Кант талқинича идрок этишда унинг соф субъектив ҳосила эканлиги, яъни уларни ҳар бир шахс ўз ҳаёти қадриятларини ўзи аниқлаши илгари луриладл. Кўплаб инсонлар учун объектив мазмунга эга умумийлик мавжуд эмас. Улар учун қадриятлар аниқ объектлар ҳаёти вазиятларга боғлиқ ҳолда чорлайдиган ҳис-туйғулар ва ички кечинмалардир. Шунга мувофиқ ҳолда қадриятларни учта тушунчаси шаклланди: Қадрият - ҳар қандай фойдали ва маъқул бўлган нарса. Бу утилитар нуқтайи назар сифатида пайдо бўлди. Қадрият идеал, муқаддас ҳодиса, ҳис-туйғулар интилиши сифатида тушинилади. Бу санъатга мансуб тушунча сифатида амалга оширилади. Қадрият инсон учун объектларни муҳим аҳамият касб этиши сифатида анланади. Қадрият ўз мазмунига мувофиқ объектив мазмунга эгадир. Объектив қадриятлар одамлар томонидан айнан бир хил муносабатларни пайдо бўлишини билдирмайди. Шунинг учун ҳам қадриятларни баҳолаш субъектив бўлиши мумкин. Қадриятларнинг объектив эканлигини аниқлаш учун мезонлар ишлаб чиқилади. Бу каби мезонлар сифатида ҳодисалар ёки воқсаларнинг ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигини кўрсатиш мумкин Ундан қадриятлар иерархияси ва умуминсоний қадриятлар тўғрисидаги масала пайдо бўлади. Умуминсоний қадриятлар деганда, барча даврларда мавжуд бўлган ва барча инсонлар қадриятлари тушунилади. Барча қадриятлар ичида умуминсоний қадриятлар унчалик кўп эмас: 1. Ҳаёт. 2. Саломатлик. 3. Билим. 4. Меҳнат. Қадриятлар иерархиясини қадриятларни таснифлаш билан адаштириб бўлмайди. Қадриятларни синфларга бўлиш мумкин: Турмуш даражаси бўйича: а) олий қадриятлар; б) моддий ҳаёт қадриятлари; д) ижтимоий; г) маънавий. Субъектлар бўйича: а) шахсий қадриятлар; б) гуруҳий қадриятлар; д) синфий қадриятлар; э)



ижтимоий. Ижтимоий онг шакллари бўйича: а) фанлар кадриятлари; б) ахлоқий кадриятлар; д) эстетик кадриятлар; э) сиёсий кадриятлар; ф) ҳуқуқий кадриятлар; г) диний кадриятлар. Умуман олганда, кадриятлар деганда, маълум бир жамият одамлари, алоҳида олинган шахсининг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш воситаси, шунингдек меъёрлар, мақсадлар ва идеал сифатидаги ундовчи ҳамда кўзғатувчи ғоялари, предметининг моҳияти, ҳодисаси шунингдек, уларнинг хусусиятлари тушунилади.

Дунёда ўзига хос кадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий кадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда миллий кадриятларга эътибор кучайди. Бу она юртга эҳтиром, авлод-аждодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги билан тавсифланади. Кадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушуниш, изоҳлаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Маълумки, кадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий кадриятлар алоҳида ажралиб туради. Шундай бўлса-да, кадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади.

Кўпинча юқорида кўриб ўтган кадриятлар билан уйғунлашадиган, лекин ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган миллий кадриятлар ҳам бир неча минглаб йиллардан буён ривожланиб ва такомиллашиб келмоқда. Миллий кадриятлар илдизларини англаб етишда, таснифлашда ва аниқлашда уни соддалаштиришдан эҳтиёт бўлиш зарур. Бу ижтимоий ва олий кадриятларнинг бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда ўзаро бир-бирини тақозо қиладиган, лекин, шу билан бирга, нисбатан ўзини барқарорлиги ва мустақиллигини сақлай оладиган ҳодисаси сифатида намоён бўлади. Фанда «миллий кадриятлар», «миллий кадриятли-йўналтирилган онг» ва «миллий руҳнинг универсал умуминсоний кадриятлари» маълум этносни ижтимоий,



психологик ўзига хослигини, бошқа шу каби бирликлардан фарқланишини, мазкур этноснинг барча аъзоларини умумий ғоялар ва ёи-йўриқ кўрсатмалар асосида бирлашувини ифодалайди. Ривожланиш ва шаклланишининг турли босқичларини ўз бошидан кечираётган кўплаб этнослар тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, этнос аъзоларининг бирлиги бошқа нарсалардан кўра кўпроқ маълум психик хислатларнинг мавжудлиги, воқеалар ва муносабатларни ўзлаштириш ва баҳолаш каби қадриятлардаги умумийлик билан таъминланади. Миллий қадриятларни англашда шу каби ҳис-туйғулар ва муносабатларнинг айна шу бирикувлари нуқтайи назари билан ёндашиш талаб этилади. Миллий руҳнинг универсал умуминсоний қадриятлари, миллий қадриятлар ва миллий қадриятли йўналтирилган онг нафақат психологик – ҳис-хаёжонли характер касб этади, балки этник бирлик томонидан эътироф этиладиган ҳаётий муҳим моддий объектлар, тимсоллар, нишон-белгиларни ҳам ўзида ифодалайди. Бу қадриятларнинг эътироф этилган муҳимлиги асосида аниқ бир этнос вакили бўлган инсоннинг туб манфаатлари ётади: яшамоклик, ривожланиш, идеал мақсадларга эришиш. Ҳар бир миллат фақат унинг ўзигагина мансуб бўлган темперамент бирикуви, тафаккурлаш ва дунёни идрок этиш тури билан яққол ажралиб туради. Маълум бир ўзига хос шаклда ахборот олаётган миллатнинг ички дунёсининг ноёбиги, ички тузилишининг барқарорлигида ҳар қандай миллат вакиллариининг биоижтимоий ҳамжамияти ва маданий бирлиги сифатидаги қадрияти туради.

Хулоса

Шу тариқа, миллий қадриятлар ва миллий руҳнинг универсал умуминсоний қадриятлари — бу у ёки бу этнос вакиллариининг муайян-тарихий шарт-шароитлардаги ижтимоий ва шахсий маънавияти ривожланишининг рағбатлантирувчи омилдир.



Адабиётлар:

1. Ж.Туленов “Қадриятлар фалсафаси”. Т.”Ўзбекистон”. 1998.
2. С.Отамуратов, Ж.Раматов, С.Хусанов:“Маънавият асослари”. Тошкент, 2000й.
3. Фалсафа асослари (Муаллифлар гуруҳи), Т.: 2004 йил
4. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри”. Т, 1993й.
5. Мустақиллик изоҳли оммабоп луғат-2002 йил.

Тайёрлади: Ф.О.Расулова